216

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo`rg`on shahar
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакургана
Самаркандской области
Республики Ўзбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, Amir Temur ko`chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 у.г. «07» июля №1236-К Kattaqo`rg`on sh. – г. Каттакурган

**Каттақўрғон шаҳар Тошкент кўчаси атрофидаги 64,0 кв.метр ер майдонини фуқаро Шукурова Мусаллам Иззатовнага тикув цехи ва аёллар гўзаллик салони қуриши учун ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29-мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги ПФ-5386-сонли фармони ва 2018 йил 29-мартдаги “Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-3630-сонли ҳамда 2018 йил 27 июндаги “Обод маҳалла» дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисида”ги 3812-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш, ҳамда фуқаро Шукурова Мусаллам Иззатовнанинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризаси шаҳар ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.** Шаҳар ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш бўйича тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

**2.** Каттақўрғон шаҳар Тошкент кўчаси атрофидан фуқаро Шукурова Мусаллам Иззатовнага тикув цехи ва аёллар гўзаллик салони қуриши учун 64,0 кв.метр ер майдони ажратилсин.

**3.** Фуқаро Шукурова Мусаллам Иззатовнага белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида тикув цехи ва аёллар гўзаллик салони қуриши учун хужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.

**4.** Ушбу қарор тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рўхсатномалар олиш учун асос ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

**5.** Шаҳар бош архитектори (О.Розиқов) ва Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (У.Туропов)га фуқаро Шукурова Мусаллам Иззатовнага тикув цехи ва аёллар гўзаллик салони қуриши учун ажратилган ер майдонини натура тарзда жойида ўлчаб бериш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш топширилсин.

**6.** Фуқаро Шукурова Мусаллам Иззатовна томонидан шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган тармоқ жадвали асосида белгиланган муддатларда қурилиш ишларини тугатиш ва фойдаланишга қабул қилиш ишлари амалга оширилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

**7.** Фуқаро Шукурова Мусаллам Иззатовнага тикув цехи ҳамда аёллар сарторошхонаси қуриши учун ажратилган ер майдонини бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

**8.** Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими** **М.Хашимов**